

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖЖОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
<b>2. Умаров Бекзод Азаматович</b> ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	19
<b>3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи</b> ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.....	26
<b>4. Avezov Umidjon Toshpulatovich</b> JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI.....	34
<b>5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o‘g‘li</b> O‘ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O‘TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL).....	43
<b>6. Муракаева Зухра Ильгизаровна</b> СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА.....	50
<b>7. Джалилов Фуркат Закирович</b> ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	58
<b>8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли</b> ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	66
<b>9. Jumanazarova Marjona Botir qizi</b> OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI.....	77
<b>10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович</b> ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	87
<b>11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ.....	100
<b>12. Полвонов Нажмиддин Аслидинович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ.....	108




**12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

**Хидоятов Бахтиёр Батирович,**  
 Тошкент давлат юридик университети  
 Жиноят-процессуал ҳуқуқи  
 кафедраси профессори  
 E-mail: b.khidoyatov@tsul.uz

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ**

**For citation:** Khidoyatov Bakhtiyar Batirovich. PROCEEDING FORM IN CRIMINAL PROCEEDINGS: ESSENCE, CHARACTERISTICS AND SIGNIFICANCE. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 100-107

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243419>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада жиноят ишини юритиш шакли, унинг мазмуни, таркиби, аҳамияти ҳақида сўз боради. Бугунги кунда жиноят-процессуал шаклни такомиллаштириш, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, биринчи инстанцияда, апелляция, кассация инстанцияларида иш юритиш тартибини замон талабларига мослаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Шунинг учун мақолада процессуал шаклларни дифференциациялаш ёки унификация қилиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинган. Шу билан бирга, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси орқали мазкур институтни ривожлантириш юзасидан асосланган таклифлар ҳам ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** процессуал шакл, унификация қилиш, дифференциациялаш, суриштирув, дастлабки тергов, терговга қадар текширув.

**Хидоятов Бахтиёр Батирович,**  
 Профессор кафедр Уголовно-процессуального права  
 Ташкентского государственного юридического университета  
 E-mail: b.khidoyatov@tsul.uz

**ПРОЦЕССУАЛЬНАЯ ФОРМА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ: СУЩНОСТЬ, ХАРАКТЕРИСТИКА И ЗНАЧЕНИЕ**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье говорится о форме уголовного судопроизводства, его содержании, составе и значении. На сегодняшний день совершенствование уголовно-процессуальной формы, доследственной проверки, дознания, предварительного следствия, рассмотрение дел в судах

первой инстанции, апелляционной, кассационной инстанций стало одним из важных направлений проводимых реформ в области судебного права. Поэтому в статье подробно рассматриваются вопросы разграничения или унификации процессуальных форм. В то же время на основе опыта развитых зарубежных стран также были разработаны обоснованные предложения по развитию этого института.

**Ключевые слова:** процессуальная форма, унификация, дифференциация, дознание, предварительное следствие, досудебное расследование.

**Khidoyatov Bakhtiyar Batirovich,**

Professor of the Criminal Procedure Law Department  
of Tashkent State University of Law

E-mail: b.khidoyatov@tsul.uz

## PROCEEDING FORM IN CRIMINAL PROCEEDINGS: ESSENCE, CHARACTERISTICS AND SIGNIFICANCE

### ANNOTATION

This article refers to the form of criminal proceedings, its content, composition and significance. To date, the improvement of the criminal procedure form, pre-investigation investigation, inquiry, preliminary investigation, first instance, appeal, cassation instances has become one of the important areas of ongoing reforms in the field of judicial law. Therefore, the article discusses in detail the issues of differentiation or unification of procedural forms. At the same time, based on the experience of developed foreign countries, reasonable proposals for the development of this institution were also developed.

**Keywords:** procedural form, unification, differentiation, inquiry, preliminary investigation, pre-trial investigation

Жиноят ишлари бўйича одил судловни таъминлаш, ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят-процессуал қонунчилиги вазифаларининг амалга оширилиши таъминлаш ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун судгача иш юритиш шакллариининг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамитга эга. Тергов ва одил судлов самарадорлигини ошириш, бунинг учун эса айнан жиноятларни тергов қилиш шакллариини қайта кўриб чиқиш, моддий, процессуал ва бошқа жиҳатларга кўра ҳар томонлама қулай тартибни жорий этиш бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Бунда биринчи навбатда жиноят процесси иштирокчилари, хусусан жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш устувор масала бўлиши лозим.

Жиноят-процессуал ҳуқуқида тадқиқ этилиши ва такомиллаштирилиши керак бўлган муҳим институтлардан бири – жиноят-процессуал шакл ҳисобланади. Процессуал қонунчилигимиз айнан ўрнатилган шакллар асосида ишлайди. Уни ҳар қандай тарзда бузиш ўз ўзидан қонунийлик принципига мувофиқ эмас. Буни биз тергов ҳаракатлари ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибига нисбатан қўйилган талабларда ҳам кўришимиз мумкин. Уларни ўтказишда қонун талабларидан чекиниш далилларнинг номақбуллигига олиб келиши билан бирга, ҳатто уни амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахсларга нисбатан энг камида интизомий жавобгарлик келтириб чиқаришига олиб келиши мумкин. Умуман олганда, процессуал шакл ички ва ташқи кўринишларга эга мураккаб феномен ҳисобланади.

Ички таркибий қисми сифатида жиноят-процессуал муносабат ва нормалар инobatга олинадиган бўлса, қонунчиликда ўрнатилган талаблар тизими эса унинг ташқи шаклини ташкил этади. Мазкур талаблар муайян жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошириш ва унинг натижасини процессуал ҳужжат(лар) билан расмийлаштириш тартибини белгилайди. Шунинг учун процессуал шакл жиноят ҳақида ариза, хабар келиб тушган вақтдан ҳуқуқий

ходиса сифатида вужудга келади ва у жиноят иши кўзғатилиши билан жиноят-процессуал шаклга айланади ҳамда токи иш тугатилиши ёки қонуний кучга кирган суднинг қарори ижрога қаратилгунга қадар мавжуд бўлади. Бундан кўринадики, жиноят процессуал шаклнинг моҳияти жиноят-процессуал ҳуқуқининг мазмун-моҳияти билан бирикиб кетади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида жиноят-процессуал шаклнинг моҳияти тўғрисида ягона фикр ёки таъриф мавжуд эмас. Жиноят-процессуал шакл моҳиятан жиноят ҳақида ариза, хабар келиб тушган вақтдан бошлаб ҳукм, ажримни ижрога қаратишгача бўлган даврдаги процессуал муносабатлар билан боғлиқ эканлиги маълум бўлсада, бу ҳуқуқий институтнинг чегараси, доираси, ички тузилмаси мунтазам равишда процессуалист олимлар ўртасида тадқиқ этиб келинган.

Жумладан, Ф.Мухитдинов жиноят-процессуал шакл жиноят содир этган шахсга жавобгарликни аниқлаш ва айбдор шахсга жазо қўллаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишини таъкидлаган бўлса [1],

У.Тухташева ўз тадқиқот ишида суд қарорларини текшириш институтини таҳлил қилар экан, бунда текшириш “шакл”и уни “ташқил этиш усули” эканлиги тўғрисида хулосани илгари суради [2].

Бу фикрлар орқали муаллифлар жиноят-процессуал шакл иш юритишни ташқил этиш билан боғлиқ масала эканлигини назарда тутганлар.

Бошқа бир процессуалист К.Т.Мавланов ўрганилаётган тушунчанинг жиноят ишини юритиш тартиби билан алоқадорлигини кўрсатиб берган. Унга кўра, жиноят-процессуал шакл деганда процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг қонунчиликда ўрнатилган тартиби тушунилади, мазкур тартибга риоя қилмаслик процессуал шаклнинг бузилишига олиб келади ва қайсидир процессуал қарорнинг ноқонуний деб топилишига ёки бекор бўлишига ҳам олиб келиши мумкин [3].

Ф.Кадиров эса жиноят-процессуал шаклнинг ички тузилишини ўрганиб, унинг элементлари сифатида жиноят процессидаги тартиб, талаблар, шартлар, процессуал муддат, жиноят-процессуал муносабатларнинг ўзгариши ёки тугатилиши, процессуал ҳаракатларнинг ўтказилиши ёки жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширишни [4] таҳлил қилган. Е.В.Мищенкога кўра, жиноят-процессуал шаклнинг асосини процессуал фаолиятни тартибга солувчи нормалар ташқил этади [5].

Мазкур фаолият эса муайян шаклда амалга оширилади. Кўриниб турганидек, мазкур олимлар ўз изланишларида жиноят-процессуал шаклни иш юритишдаги тартиб ва процессуал шартлар билан узвий боғлиқлигини ўрганишган. Уларнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, жиноят-процессуал шакл процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг қонунда белгиланган шартлари ва кетма-кетлиги йиғиндиси демакдир.

Бошқача айтганда, жиноят-процессуал шакл жиноят-процессуал институтлар ва уларни тартибга солувчи қоидалар тизими; жиноят процесси босқичларининг кетма-кетлиги, далилларни тўплаш ва уларни ўрганиш жараёнида ўтказиладиган процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг муддатлари, усуллари ва шартлари тушунилади. Бирорта процессуал ҳаракатни амалга оширишнинг “шарт”и деганда юридик фактни тушуниш лозим. Масалан, жиноят иши доирасида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршилик мавжуд бўлиши керак (ЖПКнинг 122-моддаси).

Жиноят-процессуал шакл муайян жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошириш ва унинг натижаларини тегишли ҳужжатларда расмийлаштиришнинг қонунда ўрнатилган тартибини назарда тутати. Қонунда белгиланган жиноят-процессуал фаолият сифатида процессуал шаклнинг тузилиши иш юртувининг мақсади, иштирокчилар таркиби ва кутилаётган натижага боғлиқ бўлади. Шунинг учун қонунчилигимизда мазкур процессуал шаклнинг кўплаб кўринишларини учратамиз. Мисол учун, аниқ бир жиноят иши бўйича тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш зарурати юзага келганда уни амалга оширувчи мансабдор шахс муайян қоидаларга риоя қилишига тўғри келади: тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида

қарор чиқариши, прокурордан рухсат олиши, холислар иштирокини таъминлаши зарур. Бундан кўринадики, турли тартиб-қоидалар, нормалар процессуал шаклни вужудга келтиради.

Жинойт процесси учун яна бир аҳамиятли жиҳати процессуал шакл иш юритиш жараёнида қонунийликни ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашда кафолат сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, у жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий восита ҳисобланади. Демак, жиноят процесси иштирокчиларининг фаолияти процессуал шакл билан тартибга солинган. Шунинг учун, жиноят процессининг судгача бўлган шакллари такомиллиштириш, уни процесснинг барча иштирокчилари учун қулай тизимга айлантириш, шунингдек ишларни юритишнинг ўзига хос ва мақбул шакли, моделини яратиш ва бу орқали жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларини таъминлаш жуда муҳим. Жиноят процессини моделлаштириш, унинг мукамал илмий асосланган моделини ишлаб чиқиш, яъни жиноят иши бўйича амалий иш юритиш намунасини яратиш процессуалист олимлар тадқиқотларининг предмети сифатида аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Жиноят ишини юритишнинг шакллари жиноят процессига оид қарашларнинг умумлашган концепциясиз мавжуд бўла олмайди. Жиноят ишини юритишнинг миллий концепцияси эса ишни судга қадар юритишни жиноят процессининг ажралмас қисмига айлантирган, яъни жиноят иши судда кўрилиши учун ўрнатилган тартибда дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказилиши шарт. Мазкур концепция эса жиноят ишини юритишнинг мавжуд англо-саксон ва романа-герман моделларини таҳлил қилиш асосида вужудга келади.

Дунё амалиётида жиноят ишини судгача юритишнинг тарихан шаклланган иккита модели мавжуд: англосаксон ва романа-герман (континентал). Жиноят ишини судгача юритишнинг англо-саксон модели тортишувчанликка асосланган бўлиб, исбот қилиш жараёнида асосий юклама томонларга тушади. Исбот қилишда томонларнинг икки тарафга бўлинганлиги сабабли судгача бўлган даврда ягона процессуал элемент (дастлабки тергов ёки суриштирув) шаклланмайди.

Далилларни тўплашни ҳимоя ва айблов томонларининг ўзлари мустақил амалга оширадilar. Масалан, АҚШ, Канада ва Англияда тортишув шаклидаги терговда иш ҳолатлари ҳар томонлама чуқур ва тўлиқ ўрганилмайди [6], уни амалга оширувчи органлар учун далилларни судга тўплаб беришнинг ўзи кифоя. Бунда полиция процессуал материалларни шакллантирмайди, аксинча шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини юзасидан текширув ўтказиши, холос. Унинг натижаси прокурорга юборилади. Прокурор эса уни ўрганиб, иш юритишни тугатиш ёки материалларни судга юбориш масаласини ҳал қилади. Бошқача айтганда, ушбу моделда жиноят процесси, жиноят-процессуал фаолият айнан суд босқичидан бошланади.

Миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиз континентал модель асосида ташкил топган бўлиб, ишни судгача юритиш жиноят процессининг алоҳида ва муҳим босқичи бўлиб, мураккаб жараён ҳисобланади.

Жиноят-процессуал шаклнинг характерли жиҳатлардан бири – бу унинг ягоналиги. У ягона процессуал қонунчилик, жиноят процессининг ягона принциплари, барча жиноят ишлари бўйича фактик ҳолатларни аниқлашга қаратилган процессуал воситаларнинг ягоналиги, ўрнанилган ягона ҳуқуқий асослар, тартиб, қарорлар қабул қилиш тартиби ва унга қўйилган талабларнинг ягоналиги билан изоҳланади. Процессуал шаклнинг яна бир муҳим белгиси унинг тизимлилиги. Қонун чиқурувчи орган жиноят-процессуал нормани яратишда ёки унга тегишли ўзгартиш ёки қўшимчалар киритишда процессуал ҳаракатларнинг тизимли ишлашини ҳисобга олиши керак. Акс ҳолда, М.Н.Марченко таъкидлаганидек, иш юритиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади [7].

Процессуал шакл нафақат жиноят-процессуал муносабатлар, балки процесснинг бошқа институтларининг ҳам тизимли бўлишини талаб этади. Жумладан, ЖПКда бўлим, боб, моддалар ва умуман барча жиноят-процессуал институтлар (масалан, принциплар, иштирокчилар таркиби ва бошқалар)нинг жойлашуви мантикий кетма-кетликка асосланган бўлиши лозим.

Илмий-техник тараққиёт бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларига, жумладан жиноят-процессуал соҳага ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Суд-тергов амалиётида кузатилаётган замонавий муаммоларга мақбул ечим топиш, уни давр талабига мослаштириш учун процессуал муносабатлар тизими доимий равишда ўзгаришларга муҳтож. Бу эса турли тоифа жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига янгича ёндашув ишлаб чиқиши талаб этади. Янгича ёндашув жиноят процессининг шакллари хилма-хиллаштириш (дифференциациялаш) билан узвий боғлиқ. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимиз бўйича судгача ва судда иш юритишда процессуал шаклларнинг одатдаги (умумий қоидалар бўйича тергов ва суд муҳокамасини ўтказиш), мураккаблаштирилган (иштирокчилар ҳуқуқларини таъминлаш учун кўпроқ қафолатлар берилиши) ва соддалаштирилган (масалан, хусусий айблов бўйича иш юритиш) каби турлари мавжуд.

Жиноят-процессуал шаклни унификация қилиш ёки дифференциациялаш учун муҳим мезон ижтимоий хавфли қилмишни содир этган жиноят процесси иштирокчиси ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хослигидир. Шахснинг ёши, психологик ҳолати бошқа шахсларга нисбатан иш юритишни алоҳида шаклда олиб боришга сабаб бўлувчи классификаторлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, процессуал шаклни дифференциациялаш учун бошқа шартлар ҳам мавжуд, жумладан, жиноят ишини умумий иш юритувдан алоҳида иш юритувга ажратишнинг ижтимоий зарурати, талаб этилаётган натижага эришиш учун сарф қилинадиган чиқим ҳисоби. М.В.Зотова процессуал шаклни дифференциациялаш қуйидаги мезонларга асосланиши кераклигини таъкидлайди: жиний ҳодиса юз берганлиги, ҳақиқатни аниқлашнинг мураккаблик даражаси, жиноят субъекти, шунингдек жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси [8].

Худди шундай мезонларни Е.В.Мищенко ҳам тадқиқ этган бўлиб, у қўшимча равишда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақомини ҳам киритган [9]. Бундан кўринадики, ушбу мезонлар жиноят қонунчилиги билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга, процессуал мезонлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб [10], улар исбот қилиш предметини ташкил этувчи иш ҳолатларини ўрганишнинг мураккаблик даражаси, жиноят содир этган ёки ундан жабр кўрган шахсларнинг манфаатларини назарда тутди. Демак, мазкур олимлар нуктаи назарига кўра, дифференциациялашнинг асосий икки мезони мавжуд: жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси (моддий-ҳуқуқий) ҳамда (жиноят иши бўйича иш юритишнинг мураккаблик даражаси (процессуал-ҳуқуқий). Айнан шу белгилар ишни юритишнинг соддалаштирилган ёки мураккаблаштирилган тартибига ўтишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бутун дунё тажрибасида кенг тарқалган жиноят-процессуал шакллар содир этилган жиноятнинг хусусияти билан боғлиқ. Континентал Европанинг аксарият давлатларида миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда жиноят қонуни билан жазо назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар ижтимоий хавфлилик хусусиятига қараб жиноят ва қилмиш (икки даражали классификация) ёки жиноят, қилмиш ва ҳуқуқбузарлик (уч даражали классификация) га бўлинган. Масалан, Францияда жиноят процесси босқичлари ягона тизимга эга эмас: жиноят (crimes) ишлари бўйича алоҳида, жиний қилмиш (delicts) бўйича иш юритув ўзининг тизимига, жиний ҳуқуқбузарликлар (contraventions) бўйича иш юритиш ҳам алоҳида ўзининг тизимига эга. АҚШ жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам шунга ўхшаш тизимни учратиш мумкин, яъни содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноятнинг фелоний (felonies) ёки мисдиминор (misdemeanors) тоифалардан бирига кириши ишни юритиш шаклини белгилашга асос бўлади.

Жиноят процессининг шакллари бирхиллаштириш (унификация қилиш) ёки дифференциациялашнинг зарурати, уларнинг ижобий ва салбий томонлари олимлар ўртасида мунозараларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, С.В.Захарова [11], И.Б.Михаилковскаялар [12] дифференциациялашни қўллаб-қувватлаб, жиноят процессининг ривожланиши учун зарурат сифатида қараганлар. Бироқ, Н.А.Власова бундай тартибнинг камчиликларига тўхталиб, жиноят процессида етарлича вақт, куч ва маблағ сарфламасдан туриб ҳақиқатни аниқлаш имконсиз эканлигини таъкидласа [13], В.В.Хатуева ҳар қандай жиноят иши бўйича иш юритиш тартиби жиноят процесси принциплари ва суд тизимининг бирлиги кўринишида

Ўзгармасдан қолиши керак. Жиноят-процессуал шаклни бирхиллаштириш (унификация қилиш)нинг вазифаси янги шаклни яратиш эмас, қонунчилигимиздаги амалда бўлган процессуал шаклни такомиллаштиришга қаратилган. Бизнингча, ҳар икки ҳолатда ҳам жиноят ишини юритишнинг қай даражада тежамкор бўлишидан келиб чиқилиши керак. Бунда тежамкорлик кам ресурс билан кўпроқ натижаларга эришишни назарда тутати. Афсуски, жиноят процессида амалда бўлган мавжуд процессуал шаклларнинг қай даражада самарадорлиги, уни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Жиноят ишини юритишнинг одатдаги шакли ЖПКнинг умумий қоидалари билан тартибга солинади. Жиноят-процессуал шаклни мураккаблаштириш муайян процессуал ҳаракатни амалга ошириш муддатини узайтириш, иштирокчиларга қўшимча қафолатлар белгилаш, вояга етмаганларга нисбатан иш юритиш, қўшимча рухсат олиш тартибини жорий этиш сингари усуллар орқали амалга оширилади. Соддалаштириш эса жараёни тезлаштириш, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятига қараб, тергов ёки суд муҳокамасини осонлаштириш ва шу орқали моддий ва бошқа ижтимоий сарф-харажатларни қисқартириш тартиби билан боғлиқ [14].

У қонунчиликда ва суд-тергов амалиётидаги мавжуд расмийликларни қисқартиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, мазкур дифференциациялашнинг мазкур турлари камчиликлардан ҳам холи эмас, хусусан мураккаблаштириш – қиммат ва давомли, соддалаштириш – жиноят процессининг принципларига тўлиқ мувофиқ эмас. Шунинг учун процессуал шаклларни дифференциация қилишнинг оммавий ва хусусий манфаатларга тенг даражада жавоб берувчи шаклларини яратишга имкон берувчи ягона концепциясини яратиш зарур. Ушбу концепциянинг асоси шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, тезкорлик ва тежамкорлик, содир этилган жиноятнинг ҳолатларини ҳар томонлама ва тўла ўрганиш каби қоидаларга асосланиши керак.

Шу билан бирга, жиноят ишлари юритувида процессуал шаклга амал қилиниши ҳар доим ҳам ҳақиқатнинг аниқланишига ёки иш бўйича одил сулов таъминланишига олиб келавермайди [15].

Иш юритувининг қатъий қолипга солинганлиги исбот қилишда уни амалга оширувчи масъул шахсларга ноқулайликлар келтириб чиқариши мумкин. Қонунчиликда ўрнатилган маъмурий тартиблар суриштирувчи, терговчиларнинг мустақил фаолият олиб боришларига йўқ қўймайди. Процессуал шакл жиноят процессида қонунийликни таъминлаш билан бир вақтда, ундан чекиниш далилларнинг номақбул, деб топилишига ҳам сабаб бўлади. Бошқача айтганда, жиноят ишлари юритуви процессуал фаолиятнинг бир кўриниши сифатида махсус процессуал шаклда амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят-процессуал шаклнинг қуйидаги элементларини ажратиш кўрсатишимиз мумкин:

- шартлар – процессуал ҳаракатларни амалга ошириш асослари, жойи, вақти ва муддатлари белгиланган норматив қоидалар;
- жараён – процессуал ҳаракатлар йиғиндиси ва уларни амалга ошириш тартиби, босқичлар кетма-кетлиги;
- қафолатлар – жиноят иши юритуви иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий воситалар.

Жиноят-процессуал шаклнинг тузилиши эса қуйидагилардан иборат:

- процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишнинг процессуал тартиби;
- процессуал ҳаракатларни амалга ошириш;
- процессуал ҳаракатларнинг натижаларини тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш.

## Иқтибослар/Сноски/references:

1. Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар: Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2005. 7-б. (Mukhitdinov F.M. Criminal procedure form: theoretical and

- methodological problems: Jurisprudence. the science. doc. ... dis. - Т., 2005. P. 7.) <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/30258>
2. Тухташева У.А. Суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси авореферати. –Т.:2020, 43-б. (Tukhtasheva U.A. Criminal procedural ways to eliminate judicial errors. Abstract of the dissertation of Doctor of Law. - Т.: 2020. P. 43) <https://tsul.uz/files/avtoreferat/tukhtasheva.pdf>
  3. Мавланов К.Т. Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари: Юрид. фан. фал.док. ... дис. – Т., 2022. 38-б. (Mavlanov K.T. Guarantees of reliable protection of the rights and freedoms of a suspect in criminal proceedings: Law. the science. fake doc. ... dis. - Т., 2022. -P. 38)
  4. Кадилов Ф. Жиноят-процессуал ҳуқуқнинг предмети, процессуал шакл ва ҳаракатлар моҳияти тўғрисида //Журнал правовых исследований. – 2020. – №. Special 2-2. (Kadyrov F. On the issue of criminal procedure law, procedural form and essence of actions //Journal of Law Research. - 2020. - No. Special 2-2)
  5. Мищенко Е.В. Проблемы дифференциации и унификации уголовно-процессуальных форм производств по отдельным категориям уголовных дел: диссертация ... доктора юридических наук: - Москва, 2014.- 61 с (Mishchenko E.V. Problems of differentiation and unification of criminal procedural forms of proceedings for certain categories of criminal cases: dissertation ... Doctor of Law: - Moscow, 2014. - 61 p.)
  6. Гольдман М.С. Сравнительная характеристика досудебных производств. –С.48. (Goldman M.S. Comparative characteristics of comparable products. - P. 48) <https://www.iolr.org/wp-content/uploads/2012/pdf>
  7. Марченко М.Н. Системный характер права: некоторые вопросы теории и методологии познания // Труды Института государства и права РАН. Ценности и образы права. М., 2007 (Marchenko M.N. The Systemic Character of Law: Some Theories and Methodologies of Poznan // Proceedings of the Institute of State and Law of the Russian Academy of Sciences. Values and images of law. М., 2007)
  8. Зотова М.В. О необходимости дифференциации уголовно-процессуальных форм и создания сокращенной формы дознания // Судебная власть и уголовный процесс. 2016. №2. (Zotova M.V. On the need to differentiate the criminal procedural form and create an abbreviated form of the document // Judicial power and criminal process. 2016. No. 2) URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-neobhodimosti-differentsiatsii-ugolovno-protsessualnyh-form-i-sozdaniya-sokraschennoy-formy-doznaniya-1>
  9. Мищенко Е.В. Основания (критерии) дифференциации процессуальной формы по уголовным делам в отношении несовершеннолетних и применения принудительных мер медицинского характера // Известия Оренбургского гос. аграрного ун-та. 2011. № 1 (29). Ч: 2. С. 249-252 (Mishchenko E.V. Grounds (criteria) for differentiating the procedural form in criminal cases against minors and the application of mandatory medical measures // Izvestia of the Orenburg state. agricultural flour 2011. No. 1 (29). Ch: 2. S. 249-252)
  10. Смирнова И.С. Критерии дифференциации основных уголовно-процессуальных производств // Сибирское юридическое обозрение. 2015. №1 (26). (Smirnova I.S. Criteria for differentiating the main criminal procedural proceedings // Siberian Legal Review. 2015. No. 1 (26)) URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kriterii-differentsiatsii-osnovnyh-ugolovno-protsessualnyh-proizvodstv> (дата обращения: 04.08.2022)
  11. Захарова С.В. Понятие и свойства уголовно-процессуальной формы. (Zakharova S.V. The concept and features of the criminal procedure form) <https://articlekz.com/article/magazine/74>
  12. Mikhailovskaya I.B. The objectives, functions and principles of the Russian criminal justice system (criminal procedural form). — Moscow, 2003. — 381 p. [rpi.msal.ru/prints/201004\\_42kozyavin.html](http://rpi.msal.ru/prints/201004_42kozyavin.html)
  13. Власова Н. А. Концептуальная модель досудебного производства по уголовным делам // Научный портал МВД России. 2008. №1. – 6 с. (Vlasova N. A. Conceptual model of pre-trial proceedings in criminal cases // Scientific portal of the Ministry of Internal Affairs of

Russia. 2008. No. 1. – 6 p.) URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontseptualnaya-model-dosudebnogo-proizvodstva-po-ugolovnym-delam>

14. Хидоятлов Б. Б. и др. Трансмиллий жиноятларнинг олдини олишда халқаро ҳамкорлик масалалари // Журнал правовых исследований. – 2022. – №. SI 1 (Khidoyatov B. B. and others. Issues of international cooperation in the prevention of transnational crimes // Journal of Law Research. – 2022. – no. SI 1).
15. Мавланов К. Т. Жиноят процессида гумон қилинувчининг иш материаллари билан танишиш ҳуқуқини таъминлаш // Журнал правовых исследований. – 2021. – Т. 6. – №. 2 (Mavlanov K. T. Ensuring the suspect's right to familiarize himself with case materials in criminal proceedings // Journal of Law Research. - 2021. - Т. 6. – no. 2).

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000